

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.27.06.2017.Fil.21.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**СОТИБОЛДИЕВА САРВИНОЗ РУЗИЕВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ФОРС РОМАНЧИЛИГИ  
(ЖАНР ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ)**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

УДК: 891.5  
ББК: 83.3 (5)  
С-77

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc)  
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc)  
on Philological Science**

**Сотиболдиева Сарвиноз Рузиевна**

Замонавий форс романчилиги (жанр эволюцияси  
ва бадий маҳорат) ..... 3

**Сотиболдиева Сарвиноз Рузиевна**

Современная персидская романистика (эволюция жанра и  
художественная мастерство)..... 29

**Sotiboldiyeva Sarvinoz Ruziyevna**

Modern Persian novel (evolution of genre and art mastery) ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.27.06.2017.Fil.21.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**СОТИБОЛДИЕВА САРВИНОЗ РУЗИЕВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ФОРС РОМАНЧИЛИГИ  
(ЖАНР ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ)**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Fil40 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Куранбеков Ахмадқул</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Имомназаров Муҳаммад Султанович</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Ҳамроев Жумақул</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Қудратиллаев Ҳасан Самадович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq\_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.М.Маннонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р. А. Алимухамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Ҳ.А.Дадабоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.док., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бадиий-эстетик тафаккурининг юксак маҳсули бўлган роман жанри XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўпгина шарқ халқлари адабиёти, жумладан, форс адабиётига ҳам кириб келди ва XX асрнинг адабий қиёфасини белгиловчи атрибутлардан бирига айланди. Форс насрида жаҳон романчилик тажрибаларининг ўзлаштирилиши, янги адабий оқимларнинг шаклланиши ва миллий адабиётга мослашуви, анъаналарга янгича ёндашувнинг юзага келиши форсий роман жанрининг моҳияти, униг тадрижий такомилли, миллий табиати ҳамда ёзувчиларнинг бадиий маҳоратини ўрганиш масаласини кун тартибига кўяди.

Дунё адабий жараёнларида ўзининг мумтоз шеърляти, дostonчилик анъаналари билан танилган Эрон халқи учун роман жанри ўзига хос бадиий воқелик бўлди. Форс романининг миллий ва умумбашарий манбалари, мазмун ва ғоявий қирралари, ривожланиш босқичлари, ижодкорлар шахси, ёзувчининг ижодий методи, бадиий маҳорати каби масалаларни илмий тадқиқ қилиш бадиий адабиёт ривожининг хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Жадал тараққий этаётган интернет тармоқлари орқали турли минтақаларда яратилган исталган адабиётни топиб ўқиш мумкин бўлган XXI асрда «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига даҳл қилишини олдини олиш мақсадида хорижий адабиётлардан ўзбек халқининг руҳияти, маданияти, турмуш тарзига мос келувчи энг сараларини танлаш ва таҳлилга тортиш тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида адабиёт ва маънавият давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб келмоқда. Дунё мамлакатлари билан турли соҳаларда ўзаро алоқалар тобора ривожланаётган бугунги кунда ҳар бир миллатнинг қиёфасини белгиловчи мезонлардан бири бўлган бадиий адабиётни ўрганиш ўша халқнинг турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, руҳияти билан боғлиқ билимларни оширишда муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг<sup>1</sup> давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик соҳасида илмий изланишлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратди. Шу нуқтаи назардан умуминсоний қадриятлар акс этган, эзгулик ва маънавий-маърифий юксакликка, сабр-матонат, ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган, шунингдек, бадиий жиҳатдан ҳам етук ҳисобланган замонавий форс романларининг илмий таҳлилга тортилиши мавзунинг долзарблигини яна бир карра тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони./ Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722)

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Форс романчилигини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, INALKO (Париж), Cambridge, Oxford, London Universities (Буюк Британия), Houston, Harvard, New York University (АҚШ), Институт Азии и Африки, Московский государственный институт иностранных языков (Россия), Таджикский государственный университет (Тожикистон), Тбилисский государственный университет (Грузия), دانشگاه علامه طباطبائی, دانشکده, دانشگاه بینالمللی امام خمینی, ادبیات و علوم انسانی (ЭИР), Тошкент давлат шарқшунослик институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Замонавий форс адабиётида роман жанрининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаги адабий жараёнларнинг умумий белгилари ва уларнинг кесимида илк романларнинг пайдо бўлиши асосланган (Cambridge); форс романининг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар (таржима адабиёти, дорилфунуннинг очилиши, Европа адабиётининг таъсири, матбуот ривожини) аниқланган (Париж, INALKO); XX асрнинг 40 йилларигача бўлган тарихий романларнинг тили ва услуб хусусиятлари очиқ берилган (Тбилисский государственный университет); диний-тарихий романлар поэтикasi, форс насрида ижобий қаҳрамон талқини масаласи, аёллар ижоди ҳақида маълумотлар берилган (Таджикский государственный университет); форс насрида реалистик тамойилларнинг шаклланиши, XX аср форс насрининг жанр ва услуб хусусиятлари, реалистик ва модернистик методлар ривожини,

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://ru.wikipedia.org/wiki/>; [www.livelib.ru/selection/737936-persidskaya-literatura-xxxxi-vekov/](http://www.livelib.ru/selection/737936-persidskaya-literatura-xxxxi-vekov/); [istoriya-iskusstva.ru/literatura-irana-persii/](http://istoriya-iskusstva.ru/literatura-irana-persii/); [www.ebooks.azlibnet.az/book/HCBOWku7.pdf](http://www.ebooks.azlibnet.az/book/HCBOWku7.pdf); [www.britanica.com](http://www.britanica.com); [www.cambridge.org](http://www.cambridge.org); [www.amozon.com](http://www.amozon.com); [arzamas.academy/uni/eastwest/pers](http://arzamas.academy/uni/eastwest/pers); [www.twirpx.com](http://www.twirpx.com), [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

мухожирликдаги ёзувчилар фаолияти умумий тарзда ёритилган (Институт стран Азии и Африки, Московский государственный институт иностранных языков); Эронда роман жанрининг пайдо бўлиши, унинг бошқа насрий жанрлардан фарқи, илк форсий романлар, Эронда аёллар насри, адабий алоқалар ва уларнинг ёзувчилар ижодига таъсири, Ислом инқилоби ва Эрон-Ироқ уруши йиллари форс насри тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари далилланган (دانشگاه ادبیات و علوم انسانی دانشگاه علامه طباطبائی، دانشگاه بینالمللی امام خمینی); Ислом инқилоби ва Эрон-Ироқ урушининг ёзувчилар қисматига таъсири, мухожирликдаги ёзувчилар, аёллар ижоди масаласи умумий тарзда тавсифланган (Harvard University; Hanover and London: Brandeis University; Oxford University; New York University); замонавий форс ҳикоячилигининг ривожланиш тамойилларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган (Тошкент давлат шарқшунослик институти).

Жаҳон адабиётшунослигида замонавий форс романининг шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: форс романчилиги, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги ўзига хосликларни ёритиш; Ислом инқилоби ва Эрон-Ироқ урушининг адабий жараёнлар, хусусан, форс романчилиги тараққиётига таъсири, форс миллий романчилигига жаҳон романчилик мактабларининг таъсири ва миллийликнинг барқарорлашуви хусусиятлари, аёл ижодкорларнинг романчилик тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш; дунёнинг турли минтақаларида мухожирликда яшаётган ёзувчилар қисмати, тарихий жараёнларнинг уларнинг ижодидаги инъикоси, ёзувчиларнинг оила, никоҳ, диний эътиқод, урф-одат ва анъаналарига муносабати ва буларни ифодалашда ёзувчилар қўллаётган ижодий методларни ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Роман жанри, аввало Эроннинг ўзида, сўнг хорижий элларда янги бир адабий меъёр, бадий тафаккур инъикоси ва бадийлик хусусияти сифатида тан олиними биланоқ, бу борада жуда кўплаб мақола, асар ва монографик тадқиқотлар нашр қилинди. Кўпсонли тадқиқотларни уларнинг масалага ёндашувига кўра бир неча шартли йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқ: Эронда роман жанрининг пайдо бўлиши ва дастлабки романларнинг мазмуний таснифига бағишланган тадқиқотлар; тарихий романларга оид ишлар; алоҳида ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг ижодий методи масаласи ўрганилган изланишлар; мухожирликдаги ёзувчилар фаолиятига йўналтирилган тадқиқотлар.

Э.Г. Браун<sup>3</sup>, К.Чайкин<sup>4</sup>, П. Хонларий<sup>5</sup>, Ж. Мирсодиқий<sup>6</sup>, Ғ. Дехбузургий<sup>7</sup>, К. Болое<sup>8</sup>, Ф. Наджмонов<sup>9</sup>, Д. Икромий<sup>10</sup> ларнинг

<sup>3</sup> Brovn E.G. The press and poetry Modern Persia. –Cambrige, 1914; A literary History of Persia. – Cambrige, 1951-1953.

<sup>4</sup> Чайкин К. Краткий очерк новейшей персидской литературы. – Москва, 1928.

<sup>5</sup> خانلری پرویز، نثر فارسی در دوره اخیر، نخستین کنگره نویسندگان ایران، ۱۳۲۶

<sup>6</sup> ادبیات داستانی: قصه، رمانس، داستان کوتاه رمان، تهران، ۱۳۷۲ میرصادقی ج، ده بزرگی غ. رمانویسی در ایران(از ابتدا تا پیروزی انقلاب اسلامی) / فصلنامه رازی زکریا، شماره بیست و ششم-بهار و تابستان ۱۳۸۳<sup>7</sup>

<sup>8</sup> بالای کریستف، پیدایش رامن فارسی، تهران، ۱۳۷۷

<sup>9</sup> Наджмонов Ф. Положительный герой в современной персидской литературе. – Душанбе, 1977

<sup>10</sup> Икрами Д. Проблемы перевода русской литературы в Иране. – Душанбе: Дониш, 1988.

тадқиқотлари Эронда роман жанрининг пайдо бўлиши ва дастлабки романларнинг мазмуний таснифига бағишланган. Бу тадқиқотларнинг асосий объекти XX асрнинг биринчи ярмида яратилган романларни қамраб олган бўлиб, уларда кўпроқ Эрондаги XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаги адабий жараёнларнинг умумий белгиларини ёритиш, адиблар ва уларнинг асарлари ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотлар бериш, форс адабиётини даврлаштириш, романларнинг сюжетини баён қилиш, роман терминига таъриф бериш, романи мазмун ва шаклига кўра таснифлаш, ҳар бир турга мансуб романларнинг намуналарини санаб ўтиш тамойили кузатилади.

Е.Э. Бертельс<sup>11</sup>, Ф. Махальский<sup>12</sup>, Х.Г. Корогли<sup>13</sup>, Г. Қодиров<sup>14</sup>ларнинг тарихий роман борасидаги ишларида Эронда тарихий роман ривожланиши илдизлари, унинг чуқур адабий анъаналар, хусусан, мумтоз ҳикоянавислик ва қиссачилик анъаналарига бориб тақалиши, тарихий романларнинг таснифи, образлар тизими, сюжет манбалари каби муҳим илмий-назарий масалалар хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Тадқиқотларнинг яна бир йўналишини муайян ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг ижодий методи билан боғлиқ изланишлар ташкил қилади. Д.С. Комиссаровнинг иши Содик Ҳидоят прозасига<sup>15</sup>, Л.Г. Гиунашвилининг бир қатор тадқиқотлари<sup>16</sup> йирик насрнавис Саид Нафисий ижодига оид бўлиб, уларда ёзувчининг ижодий методи, образ яратиш маҳорати, асарларида илгари сурилган ғоя ва уларда кўтарилган мавзуларнинг долзарблиги каби масалалар ўрганилган.

Муҳожирликдаги ёзувчилар ҳаёти ва ижод фаолиятига бағишланган бир туркум тадқиқотлар<sup>17</sup> мазмунида Ислом инқилоби, Эрон-Ироқ уруши ва иммиграция, Америка, Канада, Германия ва бошқа Европа давлатларига келиб қолган ёзувчиларнинг маҳаллий шароитга мослашуви, Ислом динига

---

<sup>11</sup> Бертельс Е.Э. Персидский исторический роман XX в. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – Москва, 1988.

<sup>12</sup> Махальский Ф. Персидский исторический роман XX в. // Зарубежное востоковедение. – Москва, 1961.

<sup>13</sup> Корогли Х.Г. Современная персидская литература. – Москва, 1965.

<sup>14</sup> Қодиров Г. Современный персидский исторический роман. – Душанбе, 1982.

<sup>15</sup> Комиссаров Д. Очерки современной персидской прозы. – Москва, 1960; Комиссаров Д. Садек Хедаят. Жизнь и творчество. – Москва, 1967; Комиссаров Д. Пути развития новой и новейшей персидской литературы. – Москва, 1982; Комиссаров Д. Новые черты персидского романа и повести 60-х годов // Пути развития новой и новейшей персидской литературы. – Москва, 1982; Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература. – Москва, 1961

<sup>16</sup> Гиунашвили Л.С. Крестьянский вопрос в современной персидской прозе. – Тбилиси: МЕЦНИЕРЕБА, 1977; Художественная проза Саида Нафиси. – Тбилиси: МЕЦНИЕРЕБА, 1966; Творческий путь Саида Нафиси. – Тбилиси: МЕЦНИЕРЕБА, 1976; Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. – Тбилиси: МЕЦНИЕРЕБА, 1985.

<sup>17</sup> Ali-Asghar Seyed-Gohrab, ed., *Literature of the Early Twentieth Century: From the Constitutional Period to Reza Shah, A History of Persian Literature XI* (London: I.B. Tauris, 2015); Farideh Goldin, *Wedding Song: Memoirs of an Iranian Jewish Woman* (Hanover and London: Brandeis University Press, 2003); Firoozeh Dumas, *Funny in Farsi: A Memoir on Growing Up in America* (New York: Random House, 2003); J. C. Rowe. *Reading Lolita in Tehran in Idaho*. *American Quarterly*, vol. 59, no. 2, 2007, pp. 253-275; R. S. Hashim and F. Abdul Manaf. *Notions of Home for Diasporic Muslim Women Writers*. *European Journal of Social Sciences*. vol. 9, no 4, 2009, pp. 545-556; Sanaz Fotouhi, *The Literature of the Iranian Diaspora: Meaning and Identity since the Iranian Revolution*, I.B. Tauris, 2015; U. Bates. et al. *Women's Realities, Women's Choices*. Oxford: Oxford University Press, 2005.

муносабат, аёллар ҳуқуқи каби муаммолар ва уларда ёзувчиларнинг ўрни масаласига эътибор қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб форс насрини нисбатан тўлақонли, монографик планда тадқиқ этишга эътибор кучайди. Россиялик шарқшунос Жаҳонгир Дорри<sup>18</sup>, эронлик олимлар Хусайн Хатибий<sup>19</sup>, Ҳасан Миробидиний<sup>20</sup> нинг тадқиқотларида XX асрнинг 80 йилларигача бўлган форс насри тараққиётининг асосий тамойиллари, бу даврда ривожланган адабий оқим ва йўналишлар, ёзувчиларнинг методи масаласи каби долзарб мавзулар ёритиб берилди. Бироқ бу ишларда умуман наср тараққиёти кенг планда қамраб олиниб унинг кесимида форсий роман хусусиятларига оид умумий фикрлар берилиши билан чегараланади.

Доктор Сайидали Қосимзода ва Хусайн Али Қабодийларнинг эрон романчилигида постмодернизмнинг пайдо бўлиши<sup>21</sup>, Доктор Сайид Бўзург Бегдили ва Доктор Сайидали Қосимзодаларнинг изланишлари модернистик роман сюжетида ривоят ва асотирларнинг ўрни<sup>22</sup>, Доктор Носир Никубахт ва Марям Роминниёнинг «Аҳли ғарқ» романида сеҳрли реализм тадқиқи масаласига бағишланган<sup>23</sup> ва бошқа ишлар илмий мақолалар шаклида бўлиб, монографик тадқиқотлар кам миқдорни ташкил қилади.

Ўзбек шарқшунослари томонидан ҳам форс адабиётини ўрганиш борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Ш.Шомухамедов, С.Юлдашева, А.Қуронбеков, М.Имомназаров, А.Шомухамедов, Г.Тўйчиеванинг форс мумтоз адабиёти, Ж.Ҳазратқулов, Ж.Холмўминов, С.Сотиболдиева, Н.Шоалиева, О.Турдиеванинг замонавий форс насри ва янги шеър тадқиқига бағишланган ишлари шулар жумласидандир<sup>24</sup>. Шунингдек, Эроннинг мумтоз шоирлари Рудакий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Фирдавсий, Саъдий, Бедил ва замонавий адабиёт вакиллари Абулхусайн Нушин, Муҳаммад Али Жамолзода, Мушфиқ Козимий, Бўзург Алавий, Содик Ҳидоят каби

<sup>18</sup> Дорри Дж. Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, её жанровые и стилистические особенности. Автореф. дисс... док.филол.н. – Москва, 2000.

<sup>19</sup> خطیبی ح. در فن نثر ادب فارسی، انتشارات زور، ۱۹۸۷ تهران

میر عابدینی، حسن صد سال داستان نویسی ایران، تهران، ۱۳۸۳<sup>20</sup>

دکتر سعید علی قاسم زاده، دکتر حسینعلی قبادی دلایل گرایش رمان نویسان پسامدرنیته به احیای اساطیر/فصلنامه ادب پژوهی، شماره ۲۱، پاییز ۱۳۹۱. صص ۴۲-۶۱.

دکتر سعید بزرگ بیگدیلی دکتر سعید علی قاسم زاده عمده ترین جریان های رمان نویسی معاصر در انعکاس روایت های اسطوره ای/فصلنامه تخصصی پیک نور زبان و ادبیات فارسی سال اول، شماره اول، تابستان ۸۹، صص ۵۲-۷۷.

دکتر ناصر نیکوبخت، مریم رامین نیا، بررسی رئالیسم جادویی و تحلیل رمان اهل غرق، فصلنامه پژوهشهای ادبی، شماره ۸، تابستان ۱۳۸۴<sup>23</sup>، ص ۱۴۵.

<sup>24</sup> Шомухамедов Ш. Форсий шеърятнинг асосий шакллари. – Тошкент, 2004; Мумтоз форс адабиёти (X-XV асрлар). – Тошкент, 2011; Яукачева М. Женщина в персидской прозе. – Ташкент, Наука, 1964; Юлдашева С. Т. Персидская поэзия XX века. – Ташкент, 1997; Куронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маъно силсиласи. – Тошкент, 1994; Имомназаров М. Мумтоз форс шеърятни бадииятшунослиги ва жанрлар типологияси. – Тошкент, 2015; Тўйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амира Хосрова Дехлеви. – Ташкент, 2005; Холмўминов Ж., Ҳазратқулов Ж. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Тошкент, 2012; Шоалиева Н. Қизил гулнинг сири. – Тошкент: Ёзувчи, 2002; Сотиболдиева С. XX аср Эрон насри. – Тошкент: ФАН, 2006; Сотиболдиева С. XX аср форс романчилиги. – Тошкент, 2015; Турдиева О. Ҳозирги замон эрон ҳикоячилиги. – Тошкент: Шарқ, 2015.

ёзувчиларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига тақдим этилди<sup>25</sup>.

Юқорида номлари зикр этилган замонавий форс насрга оид тадқиқотларда форс романининг пайдо бўлишида, эрон халқининг эпик анъаналари, бой халқ оғзаки ижодининг ўрни ва аҳамияти, роман жанрининг муҳим фалсафий-эстетик омиллардан бири бўлган диний қиссалар, ривоят ва асотирлар ва уларнинг форс романи сюжети шаклланишидаги ўрнига кам эътибор қаратилган; форс романининг жанр сифатидаги эволюцияси махсус, тизимли ўрганилмаган, балки умуман, наср таркибида, умумий планда кузатилган; XX асрнинг асрнинг сўнгги чораги ва XXI асрнинг дастлабки ўнйиллигида форс романчилигида содир бўлган ўзгаришлар таҳлили акс этмаган; ёзувчиларнинг бадиий маҳорати, роман ёзиш техникаси масаласи махсус ўрганилмаган; ёзувчиларнинг ижодий методидаги ўзига хослик, миллийлик жиҳатлари монографик тадқиқотнинг объекти бўлмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуи Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ мамлакатлари адабиётшунослиги ва адабий манбашунослигининг долзарб муаммолари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** шакл ва мазмун жиҳатидан мунтазам ўзгаришда бўлган замонавий форс романчилигини қиёсий таҳлил қилиш орқали жанр динамикасини таъминловчи тамойилларни аниқлаш ва унда муҳим ўрин тутган ёзувчиларнинг бадиий маҳоратини манбалар асосида ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Эронда роман жанрининг юзага келиши ва ривожланишига таъсир қилган ижтимоий-сиёсий муҳит, тарихий вазият ва адабий жараёнларни илмий жиҳатдан асослаш;

тарихий тараққиёт ва бадиийлик мезонлари асосида роман жанри тараққиёт босқичлари ва тамойилларини аниқлаш;

романларнинг мазмунида акс этган умуминсоний ва миллий кадриятлар, Эрон маданий меросининг ажралмас қисми бўлган халқ оғзаки ижоди унсурлари, дoston ва асотирлар ҳамда уларнинг ёзувчи ижодий ниятидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

замонавий форс романларининг жаҳон романчилиги билан интеграллашуви жараёнларини ўрганиш;

---

<sup>25</sup> Рудакий рубойлари ва маснавийлари. – Тошкент, 2008; Фирдавсий. «Шохнома». – Тошкент, 1992; Жомий. «Баҳористон». – Тошкент, 2007; Жалолиддин Румий «Ҳикматлар». – Тошкент, 2007; Румий. Маснавийи маънавий. – Тошкент, 1999; Бедил. – Тошкент, 2005; Козимий М. «Қўрқинчли Техрон». – Тошкент, 1990; Нушин А. «Хон ва ўзгалар». – Тошкент, 1964; Ҳидоят С. Эрини йўқотган аёл. – Тошкент, 2013

XXI асрнинг бошларида Эронда ривожланган роман жанрининг ривожланиш йўллари, ёзувчилар ижодида анъана ва новаторлик, романларнинг фалсафий-эстетик асосларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** Аҳмад Маҳмуд, Маҳмуд Давлатободий, Хушанг Гулширий, Аббос Маъруфий, Шаҳрнуш Порсипур, Маржона Сотропий, Муҳаммад Ризо Байрамий, Ризо Амирхоний, Симин Донешвар, Муҳаммад Козим Мазиноний, Ираж Пезешкзод, Тақи Мударрисий, Содик Чубак, Саид Нафисий, Содик Ҳидоят, Баҳром Содикий, Паринуш Сание, Ризо Қосимий, Саид Меҳди Шўжойи каби ёзувчиларнинг XX аср - XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигигача бўлган даврда яратилган романлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида форс романчилигининг ўзига хос тараққиёт босқичлари ва ҳар бир босқичда ижод қилган ёзувчилар, романларда кўтарилган умуминсоний ва миллий қадриятлар, олам ва одам ҳақидаги бадиий концепцияни ёритишдаги ёзувчининг бадиий маҳорати, ёзувчиларнинг ижодий методи, бадиий тафаккур ва янги мазмун ўзгаришлари, ёзувчиларнинг мавжуд тарихий воқелик, ижтимоий тузумга танқидий муносабати, романларда тарихий воқеликнинг бадиий талқини, адабий жараёнлар ва унда романнинг ўрни белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида романнинг жанр сифатидаги тараққиёти ва ёзувчиларнинг бадиий маҳоратини ўрганишда контекстуал таҳлилнинг социологик, тарихий-маданий, қиёсий, биографик таҳлил ва имманент таҳлил методининг структурал, стилистик метод турларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

замонавий форс романининг жанр эволюцияси қиёсий-типологик ва тарихий-маданий аспектда таҳлил этилиб, XIX асрнинг охиридан XXI асрнинг биринчи ўн йиллигигача бўлган тараққиёт йўли ишлаб чиқилган;

XX асрда ижод қилган эронлик ёзувчиларнинг романларини таҳлил этиш асносида миллий анъаналар ва жаҳон романчилик тажрибалари, замонавий оқим ва йўналишларнинг ёзувчи ижодий методига таъсири жараёни далилланган;

замонавий форс романчилигида халқ оғзаки ижоди намуналари, дostonлар, муқаддас китоблар ва диний мавзудаги қиссалар, миф ва асотирлар, мумтоз адабиётга хос поэтик анъаналар аниқланган;

роман жанрини белгилашда, мавзу ва образлар талқини, роман поэтикасини юзага чиқарувчи компонентлар танловида ёзувчи ниятининг ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида юзага чиқиши исботланган;

замонавий форс романчилигида ижтимоий, тарихий, тарихий-автобиографик, тарихий-биографик, тарихий-сиёсий, хотира роман, хат роман каби жанр турлари ва «график роман»нинг мавзулар кўлами ва поэтикаси асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

замонавий форс романининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, жанр эволюциясини таъминловчи омилларни аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳал қилинган;

форс романини миллий адабий анъаналар ва жаҳон романчилик мактаби тажрибалари кесимида ўрганиш, уларнинг ўзаро уйғун ва фарқли жиҳатларини қиёсий тарзда тадқиқ қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёзувчиларнинг ижодий услуби шаклланишида миллий адабий мерос, миф ва асоирий тафаккур, диний мазмундаги қиссалар ва муқаддас китобларнинг асар архитектуроникасидаги ўрни ва аҳамияти, романда бадиий ифода тарзи ва воситаларнинг янгилашиши, шаклий изланишлар, романчиликда анъана ва новаторлик масалалари ажратилган ва исботланган;

роман хилларининг юзага келиш жараёнларида жанр динамикаси, янги бадиий изланишлар моҳияти тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** Тадқиқот натижаларининг ишончилигини юртимиздаги, хориждаги, шунингдек, Эрон адабиётшунос ва танқидчиларининг фикрига мурожаат қилингани, замонавий форс романларининг адабий таҳлили қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилиш методлари асосида олиб борилгани, амалиётга хулоса ва тавсияларнинг тадқиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертациянинг илмий аҳамияти ундаги асосий илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалардан олий ўқув юртларида хорижий филология ва шарқ филологияси факультетлари тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, мутахассисликнинг назарий масалалари, Шарқ адабиёти жаҳон адабиёти контекстида, XIX-XX аср адабиётида бадиий тизимлар, Шарқ адабиётида бадииятшунослик масалалари фанлари бўйича маърузалар ўқиш, амалий ва семинар машғулотлар олиб бориш, махсус курслар ўтиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш ва турли тавсияномалар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар шарқ мамлакатлари адабиётида роман жанрининг тараққиётини тадқиқ қилишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан замонавий форс романининг шаклланиши ва тараққиёт тамойиллари, романнинг ички ривожланиш қонуниятлари, ижодкорларнинг бадиий маҳорати, жанр, ижодий метод, тил, услуб, адабий таъсир ва шу каби масалаларга бағишланган махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий форс романчилиги, жанр эволюцияси, бадиий маҳоратнинг таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

замонавий форс романларининг миллий илдизлари бўйича олинган илмий-назарий натижалар ОТ–Ф8-027 рақамли «Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 октябрдаги ФТА-02-11/909-сон маълумот-номаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши форс романчилигининг

шаклланишида муҳим манба бўлган халқ оғзаки жанрлари, романчиликнинг фалсафий-эстетик асослари, форс мумтоз адабиёти, дostonчилик анъаналарига муносабат, адабий таъсир, бадиий нутқ поэтикаси, анъана ва новаторлик, бадиийт илмининг ёзувчи бадиий маҳоратини очишдаги ўрнини аниқлашга хизмат қилган;

XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI аср бошларида форс романчилиги тараққиёти, янги номларнинг илмий муомалага киритилганлигига оид тадқиқот натижалари ва материалларидан Ўзбекистондаги Эрон маданият марказида форс-ўзбек адабий алоқалари доирасида ташкил этилган илмий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Исломи Республикаси элчихонасининг 2017 йил 7 октябрдаги маълумотномаси). Мазкур тадқиқотга тортилган эронлик ёзувчиларнинг ижоди жаҳон адабиёти намояндаларининг ижодий фаолиятини ёритишга асос бўлган;

замонавий форс романчилигининг тараққиёт хусусиятлари, Аҳмад Маҳмуд, Маҳмуд Давлатободий, Шаҳрнуш Порсипур, Муҳаммад Козим Мазиноний сингари ёзувчиларнинг асарларига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканалида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг давлат унитар корхонаси, 2017 йил 20 октябрдаги 04-27-сон маълумотномаси). Тадқиқотга тортилган ўзбек ва форс романларида кўтарилган умумбашарий муаммолар, уларнинг мавзулар кўлами, бугунги романларнинг жанр табиати ҳақидаги маълумотлар «Бедорлик» туркум эшиттиришларини тайёрланишида манба бўлиб хизмат қилган;

тадқиқотнинг Навоий «Хамса»сига киритилган дostonларда роман жанрига хос сюжет, муаммо, образлар тизими, бадиий тафаккурнинг мавжудлиги ва дostonларнинг туркумлашиш ҳодисаси замонавий романнинг туғилиши учун асосий миллий омил бўлганлиги ҳақидаги муҳим назарий хулосаларидан Самарқанд давлат университети «Навоий музейи» ноёб объекти илмий-амалий лабораториясида фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2017 йил 22 ноябрдаги №3041-03-сон маълумотномаси). Айни илмий натижанинг қўлланилиши жаҳон навоийшунослигининг янги қирраларини баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 30 илмий иш чоп этилган. Шулардан, 2 монография, 28 илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган журналларда 11 мақола (10 республика, 1 хориж) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 238 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Форс адабиётида замонавий роман жанри тамойилларининг шаклланиши ва тараққиёти**» деб номланган биринчи бобида Эронда роман жанрининг шаклланиш омиллари, XX асрнинг биринчи ярмида яратилган романларнинг жанр хусусиятлари ва янгиланаётган адабий тафаккур эстетикаси каби масалалар тарихий-маданий ва қиёсий таҳлил асосида ёритилган.

Замонавий форс романи шаклланишининг дастлабки босқичи XIX асрнинг охиридан бошланган бўлиб, бу мамлакатда юзага келган маърифатпарварлик ҳаракати<sup>26</sup> ва миллат адабиётида халқ романлари, ёзма адабий ёдгорликлар<sup>27</sup>, мумтоз анъаналарнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Маърифатпарварларнинг ижодий фаолияти мумтоз форс адабиёти анъаналарини ўзида сақлаб қолган янги жанр - романнинг шаклланишига олиб келди. Бу даврда яратилган романларда мумтоз адабиётга хос саёҳатнома, нома, мунозара, эртақнамо саргузаштларнинг таъсири қаторида ижтимоий омил олдинги планга чиқди, ёзувчи ижодига янгича маърифий, дидактик ва танқидий реализм йўналишлари кириб келди. Маърифатпарварлик даври романларига хос бўлган жихатлардан бири бу инсоннинг ташаббускорлиги, шахсий фазилатлари, кучи ва идрокини улуғлаш тамойилидир. Ушбу романларда ва, умуман, давр адабиётида жамиятнинг барча қатламлари қамраб олингани боис адабиётнинг «осмондан ерга тушиши»<sup>28</sup> рўй берди. Бадиий асар қаҳрамони мумтоз адабиётдаги образдан фарқли равишда жамиятдаги иллатларга нисбатан ўз танқидий қарашларига эғалиги, илм олиш ва уни тарғиб қилиш ҳислатларини мужассамлаштиргани адабиётнинг янгича

<sup>26</sup> بالای کریستف، پیدایش رمان فارسی، تهران، ۱۳۷۷؛ خانلری پرویز، نثر فارسی در دوره اخیر، نخستین کنگره نویسندگان ایران، ۱۳۲۶؛ صد؛ ده بزرگی غ. رمانویسی در ایران (از ابتدا تا پیروزی انقلاب اسلامی) / فصلنامه رازی زکریا، شماره بیست و ششم بهار و تابستان ۱۳۸۳؛ میر عابدینی، حسن سال داستان نویسی ایران، تهران، ۱۳۸۳؛ Ализاده М. Пути развития демократических идей в персидской литературе XIX-XX веков. – Баку, 1969; Шойтов А.М. Просветительство литератур Востока. – Москва, 1973; Наджмонов Ф. Положительный герой в современной персидской литературе. – Душанбе, 1977; Гиунашвили Л.С. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. – Тбилиси, 1985; История персидской литературы XIX-XX веков. – Москва: Восточная литература, 1999; Дорри Дж. Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, её жанровые и стилистические особенности. – Автореф. дисс... док.филол.н. – Москва, 2000.

<sup>27</sup> Бу ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Имомназаров М. Мумтоз форс шеърини бадииятшунослиги ва жанрлар типологияси. – Тошкент, 2015; Дорри Дж. Персидская литература XX века. – Москва: Муравей, 2005. –С.8; Салихов Ш. Роман в таджикской литературе XX века (проблемы формирования жанра). – Душанбе, 2011. – С.14

<sup>28</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004

маърифатпарварликка бурилганидан далолат беради. Маърифатпарварлик романига хос бўлган унсурлар қуйидагиларда кўринади: асарда сюжетнинг фольклор, ривоят ва дostonчилик анъаналарига хос «ташки ҳаракат» динамикасига асосланган хронологик тури қўлланилган; асар композициясида «ҳикоя ичида ҳикоя», қолиплаш усули етакчилик қилади; асарда бош қаҳрамон битта ва у асар воқеаларини бирлаштириб турувчи марказий куч; романлар тили бўёқдор, киноя ва қочирим, мақол ва афоризмларга бой.

Форс романчилигининг иккинчи босқичи XX асрнинг 20-40 йилларига тўғри келади. Бу босқичда реализм методи етакчилик қилган тарихий ва ижтимоий романлар яратилди. Тадқиқот давомида бу даврдаги форс романи тараққиётининг асосий ўзанини тарихий романлар ташкил қилганлиги кузатилди. Тарихий романнинг шаклланиши ва жадал ривожланиши бир тарафдан Ғарб адабиётидан тарихий романларнинг кўплаб таржима қилинганлиги билан изоҳланса, иккинчи тарафдан эса мумтоз форс адабий анъаналарида тарихий роман унсурларининг мавжудлиги асосий туртки бўлган деган фарзани илгари суриш мумкин.

Бу давр тарихий романларига хос бўлган асосий жиҳатлардан бири унинг биографик характерга эгаллигидир. «Пайғамбар», «Имом Ҳусайннинг ҳаёти», «Бургут уяси» романлари сюжетида пайғамбарнинг оиласи, саҳобалар ҳаёти ёритилгани сабаб бу турдаги романда бош қаҳрамон сифатида Муҳаммад (с.а.) пайғамбар, шиа мазҳаби имомлари, саҳобалар, халифалар гавдалантирилди. Бу романларда ҳадис, диний ривоят ва қиссалар билан бир қаторда ярим тарихий ва ярим афсона ҳисобланган ривоятлар, афсоналардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, бу романларда тарихий фактлар жуда ишонарли тасвирланган. Бу босқичда яратилган тарихий романлар ҳам мумтоз форс адабиёти анъаналардан узилмаган. Уларда Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва Носир Хусравнинг «Сафарнома»сининг таъсири яққол сезилади.

XX асрнинг 20-40 йилларда яратилган кўпсонли ижтимоий романларнинг ҳаммаси ҳам бадиий маҳорат ва жанр хусусиятлари жиҳатидан юксак эмас<sup>29</sup>. Бу давр романига хос унсур – қаҳрамон муайян мақсадга эга бўлса-да, унга эришиш йўлидаги курашда ожизлик қилади. Айни шу тамойил давр адабиётининг нуқсони сифатида баҳоланди. Лекин тадқиқот давомида таҳлил қилинган романларда давр адиби инсоннинг идеал бўла олмаслиги, унинг характерида фақат қатъият эмас, шунингдек, камчиликлар, кўрқич, тушкунлик, иродасизлик ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатиб бера олганлиги унинг маҳоратини белгиловчи жиҳатлардан бири, деган хулосага келинди.

Бу даврда яратилган ижтимоий романлар таҳлили ва тадқиқи жараёнида уларнинг жанр хусусиятлари сифатида қуйидагилар аниқланди: романларда жамиятдаги иллатларни танқидий баҳолаш тенденцияси етакчилик қилди; барча воқеалар асосий сюжет чизиғидан ташқарига чиқмайди; қаҳрамонлар ва уларнинг тақдири типиклаштирилади ҳамда уларни индивидуаллашган умумлашма даражасига етказиш кузатилади; тарихий шароит, ижтимоий муҳитнинг инсон тақдирига таъсири масаласи кўтарилади; ва ниҳоят, хусусий,

<sup>29</sup> Дорри Дж. Персидская литература XX века. – Москва: Муравей, 2005. –С.29.

аниқ ҳодисалар тасвиридан жамоатчилик характеридаги ҳодисалар тасвирига ўтилади.

Юқоридаги хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳамда адабий мистификация усулида яратилган сентиментализм йўналишидаги С.Нафисийнинг «Фарангис» («فرنگیس») илк хат-романи ҳамда форс модерн романининг дебочаси ҳисобланган С.Ҳидоятнинг «Кўр бойкуш» романида давр кишисининг ҳаёти «ижтимоий турмуш тарзи билан алоқадорликда, бадиий детерминизм қоидаларига мувофиқ йўсинда»<sup>30</sup> тасвир этилди, илк бор инсон руҳиятини тадқиқ этишга эътибор қаратилди. Тадқиқотда «Кўр бойкуш» («یوف کور») романи илк бор рамзийлик, асотирий тафаккур, онг оқими, ички монолог, галлюцинация каби воситаларнинг роман сюжети ва композициясини шакллантириш, ёзувчи ижодий ниятини етказишдаги аҳамияти масаласига урғу берилган ҳолда таҳлил этилди.

Мазкур бобда тадқиқотчилар эътиборидан бир қадар четда қолган масала – тарихий ва ижтимоий романларнинг жанр сифатидаги етакчи хусусиятлари аниқланди, умумлаштирилди ва тизимга солинди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Замонавий форс романининг тадрижий такомил ва ижодий метод масаласи (XX асрнинг 50-70 йиллари)**» деб номланиб, унда XX аср 50-йилларининг ўрталаридан бошлаб яратилган романлар тадқиқ ва таҳлил этилди. Форс романчилигида реализмнинг турли кўринишлари шаклланиши, асотирлар, эртак ва афсоналар мазмунидан даврнинг ижтимоий муаммоларини беришда, давр кишиси характерини яратишда кенг фойдаланиш, сатира, тарихий йўналишдаги романлар ҳамда оммавий адабиётнинг ривожланиши айти шу давр романчилигида кузатилди.

Бу даврга келиб форс романи жаҳон адабиётида кечаётган жараёнлардан унумли фойдаланган шаклда ўз миллий қиёфасига эга бўла бошлаганлигини кузатиш мумкин. Адабиётдаги бу ўзгаришнинг асосий сабаби XX асрнинг 50-йилларида Эроннинг иқтисодий жиҳатдан Ғарб таъсиридан қутилишга бўлган ҳаракати доирасида миллийлаштиришга қаратилган сиёсат юрита бошлаганини ва бунинг натижасида 1953 йилда амалга оширилган «Оқ инқилоб»<sup>31</sup> дир. Давлат тўнтаришидан кейин мамлакатда капиталистик муносабатларнинг жадаллашуви Эронни жаҳон иқтисодига чуқурроқ боғланишига, мамлакатнинг Ғарбга қарамлигини кучайишига олиб келди. Айти даврда «Эрон маданий ҳаётида демократик ҳаракатлар барбод бўлган»<sup>32</sup> лиги, XX асрнинг 60-йиллари ўрталарига қадар давом этган чуқур иқтисодий инқироз адабиёт, айниқса, роман жанри тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу давр адабиёти тарихга СОВОК<sup>33</sup> нинг таъқиб ва тазйиқига учраган ва ижод эркинлиги йўқ давр сифатида кирди. Тадқиқот жараёнида бу шароитда қолган форс романи Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва рус насри

<sup>30</sup> Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.69-70.

<sup>31</sup> Алиев С. История Ирана XX века. – Москва: ИВ РАН-КРАФТ+, 2004. – С.232

<sup>32</sup> Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов: от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – Москва: Наука, 1990. –С.113

<sup>33</sup> 1956 йилда муҳолиф ва норозилик кайфиятларини бостириш мақсадида мамлакат хавфсизлиги ташкилоти (СОВОК – سازمان اطلاعات و امنیت کشور) тузилди

тажрибаларини ўзлаштириш билан «машғул бўлди»<sup>34</sup> ҳамда асосий куч таржимага қаратилди, деган хулосага келинди.

XX асрнинг 70-йилларига келиб Эрон иқтисодий жиҳатдан анча ўзини тиклаб олганига қарамай мамлакатда ижтимоий-сиёсий инқироз кескинлашди. Бу даврда зиёли қатлам ўртасида Ғарб маданиятининг Эронга тобора кўпроқ кириб кела бошлаганига қарши норозилик кайфияти кучайди. Асосий тортишувлар Ғарбга эргашиш ёки қадим Эрон маданиятини ривожлантириш ёки ислом анъаналарига эътибор қаратиш масаласи доирасида кечди.<sup>35</sup> Бу тортишувлар натижаси ўлароқ адабий танқидчилик ривож топди.

Бу давр романчилигида реализм барқарор ривожланди. Романнинг асосида ижтимоий масаланинг туриши унинг жанр белгиларидан бирига айланди. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида бу давр романида «янги одам» характерини яратиш, зиёлиларнинг тақдири, уларнинг жамиятдаги ўрни («چشم هايش» - «Унинг кўзлари»), Эрон жамиятидаги аёл қисмати («شوهر آهو خانم» - «Оху хонумнинг эри»), инқилобий ҳаракатлар, шахсда инқилобий дунёқарашнинг шаклланиши («همسايه ها» - «Қўшнилар») каби унсурлар мазмунан етакчи бўлганлиги, бадийликнинг орқа планга ўтганлиги кузатилди.

Бу даврда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар романчиликда воқеликларни янгича талқин этиш, ёзувчилардан янги тасвир йўсинларини яратиш, турли жараёнларга танқид билан қараш ва баҳолашни тақозо этди. Натижада романчиликда давр воқелигини ҳажвий реалистик йўсинда талқин этиш тамойили кучайганини кўриш мумкин. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ва оддий халқ тақдири, ҳаётига жиддий зарар кўрсатаётган омиллар таъсири масаласи ҳамда порахўр, манфаатпараст, худбин, сотқин, маънавий бузуқ раҳбар шахслар ва жамиятнинг юқори қатлами вакилларининг ҳажвий қиёфаси бу давр романлари («بهشت نیمه راه» - «Жаннатнинг ярим йўлида», «درازنای شب» - «Узун тун»)нинг ғоявий-фалсафий йўналишини белгилаб берганлиги диссертация ишида батафсил очиб берилди.

Давр романига хос хусусиятлардан бири бу аёл образининг сон жиҳатдан ортиши ва унинг янгича талқинидир. «Оқ инқилоб»дан сўнг аёллар ҳаракатининг кучайиши, аёллар клубларининг ташкил этилиши, аёлларнинг сайлов ҳуқуқини қўлга киритишлари бадий асарда аёл шахсиятига янгича қараш ва аёл образининг янгича талқин этилишига сабаб бўлди. Романда аёл иккинчи даражали образлар мавқеидан бош қаҳрамон мавқеига ўтди («افسانه و» - «Афсона ва афсун»).

Шунингдек, романда давр ижтимоий-сиёсий вазияти ва тузумни ифода этиш унсури сифатида рамзлардан кенг фойдаланиш анъанаси шаклланди («اسرار گنج دره جنی» - «Жин дара хазинасининг сирлари», «دای جان نا پالیون» - «Наполеон тоғажон»). Бундай ҳажвий-реалистик романлар композициясида қолиплаш усули, эртақларга хос белгилар (хазинани излаб йўлга чиққан деҳқонлар – «Жин дара хазинасининг сирлари»), ишқий-саргузашт адабиётга

34 میرعابدینی ح. صد سال داستان نویسی ایران. جلد ۱ و ۲. تهران، ۱۳۸۳، ص. ۲۹۵

35 Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов: от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. – Москва: Наука, 1990. –С.67

хос унсурларни ўзлаштириш (Дон Кихот ва Санчо – «Наполеон тоғажон»), форс мумтоз шеъриятига мурожаат этилиши унинг ҳиссий таъсирчанлигини оширишда муҳим омил бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни шу давр, яъни XX асрнинг иккинчи ярми мамлакат ҳаётида кескин бурилишлар ясади. Бу ўзгаришларга, юқорида таъкидланганидек, адабиёт ҳам кескин муносабатини баён қилди. Айни шу даврда Эронда Тақи Мударрисийнинг «Якўлиё ва унинг ёлғизлиги» («يکليآ و تنها يى او», 1955) ҳамда Баҳром Содиқийнинг «Малакут» («ملکوت», 1961) романларининг яратилиши ҳамда уларда сеҳрли реализмга хос белгиларнинг мавжудлиги дунё адабиётида сеҳрли реализм йўналишига асос солинганлиги диссертация ишида етарлича далилланди. Бу эса дунё адабиётшунослигида айнан Габриэл Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» (1967) романи сеҳрли реализмга асос солди, деган фикрни баҳсли эканлигини тасдиқлайди.

Сеҳрли реализмнинг асосий қуроли – бу ижодкор қарашлари, жамиятга муносабатининг ифодаси сифатида турли асотир, муқаддас ва диний йўналишдаги китоблардан ўрин олган қиссалардан кенг фойдаланиш. Эронда айнан бу йўналишнинг шаклланишига кўпроқ Лотин Америкаси адабиётидан қилинган таржималар таъсир ўтказди.<sup>36</sup> «Якўлиё ва унинг ёлғизлиги» романига Тавротдаги Лут пайғамбар<sup>37</sup> ва Шайтоннинг Худованд (Яхво)га исёни қиссаси<sup>38</sup> асос қилиб олинади. Романнинг асосий сюжет чизиғи бош қаҳрамон малика Якўлиёнинг оддий чўпонга бўлган муҳаббати сабаб подшоҳ томонидан қувғини ва унинг ёлғизликка маҳкум қилинишидан иборат бўлса Якўлиёнинг кекса чўпон қиёфасидаги Шайтон билан учрашуви давомида Микоҳшоҳ ва Томор ҳақидаги афсонани тинглаши асарнинг асосий фалсафий ғоясини ифодаловчи сатҳни ташкил этади. Мударрисий талқинидаги Шайтон ўз моҳияти билан М.Лермонтовнинг «Иблис» асаридаги Шайтон образига яқин. Ҳар икки асарда Шайтон севгига ташна қиз қалбида умид ва орзулар уйғотади ва шу билан бир вақтда унинг юрагига ғам ва тушкунлик уруғини экади.

Нафс, шайтоний ҳою ҳавас, кибр каби иллатлар «Малакут» романининг ҳам асосий ғоясини белгилайди. Асарда реаллик ва нореаллик, ҳақиқат ва асотир қоришиқ шаклда ифодаланган. Романнинг жами олти фасли Қуръон оятлари, Тавротдан олинган сатрлар ёки шеърий парчалар билан бошланади. Романда 6 (оламнинг олти кунда яратилганлиги), 4 (тўрт фариштанинг ернинг тўрт буржида туриши ҳақидаги қараш) каби рақамлар, боғ, уй, қаҳрамонларнинг исмлари рамзий маъно касб этади. Романнинг асосий ғоясини дунёнинг яширинган – олами ғайб ва кўринган – олами шухуд қилиб яратилганлигини уқтириш, тушунтириш ташкил қилади.

Диссертацияда форс романчилигининг бу босқичида яратилган асарларнинг аксариятида ҳаётнинг мураккаб масалаларини фалсафий мушоҳада этишга интилиш, «кичик одам» изтиробларига ҳамдардлик, унинг

دکتر ناصر نیکوبخت، مریم رامین نیا، بررسی ر رئالیسم جادویی و تحلیل رمان اهل غرق ، فصلنامه پژ و هشهای ادبی، شماره ۸ ، تابستان ۱۳۸۴ ، ص ۱۴۵

<sup>37</sup> Инжил, Тавротдан «Ибтидо» ва Забур. – Тошкент, 1995. –Б.645-646.

<sup>38</sup> Ўша манба. –Б.647

тақдирига ачиниш, жамиятнинг қўйи табақасини ташкил қилган қашшок, фоҳиша, гиёҳванд ва уларнинг ҳаёти, шунингдек, ўзгаришлар давридаги жамиятда шахснинг шаклланиши каби муаммолар қаламга олинганлиги Содик Чубакнинг «Сабр тоши» («سنگ صبور») романи мисолида очиб берилди. Асарда ҳар бир қаҳрамон ҳаёти ё топталган номус, ё ғам, ё ожизлик, ёки ёлғоннинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Лекин уларнинг барчасини бирлаштириб турган нарса чексиз САБРдир. «Сабр тоши»да инсон сабр-тоқатининг чегараси, унинг тушкунликка тушиши – асарнинг бош ғоясини белгилайди. Полифонизм, тарихий ва мифологик реминисценциялар билан бўлиниб турадиган ички монологлар, онг оқими, қаҳрамонлар (Аҳмад оға, Гавҳар, Жаҳонсултон) характерига хос бўлган ёлғизликка мойиллик, тушкунлик, иложсизлик, тақдири азалга бўйсунганини англатса, романдаги ўргимчак (Осейд Молуч) образи талқини ёзувчининг ҳаёт ва ўлим масаласига бўлган фалсафий қарашларини ифодалашга хизмат қилган.

Форс романининг XX аср 50-70- йилларидаги тараққиёти контекстуал ва имманент таҳлил методлари асосида ўрганилди ҳамда ёзувчиларнинг ижодий методи ва услубий изланишлари бу давр учун етакчи омил бўлганлиги қатор романлар мисолида далилланди.

Диссертациянинг учинчи боби **«XX асрнинг сўнгги чораги форс романининг етакчи белгилари»** деб номланиб, бу бобда мамлакатда содир бўлган муҳим сиёсий ҳодисалар даврида роман жанри тараққиётидаги ўзгаришлар, ҳарбий романларнинг яратилиши ва уларнинг поэтикаси, романчиликда модернизм белгиларининг қарор топиши каби масалалар тадқиқ ва таҳлил қилинган.

1979 йилги Ислом инқилобидан кейин форс адабиётда «ادبیهت زنان» («аёллар адабиёти») тушунчаси пайдо бўлди. Бу давргача адабиётда ўз ўрнига эга Симин Донешвар қаторида Ғазоле Ализоде, Шаҳрнуш Порсипур, Зоя Пирзод, Маҳшид Амиршоҳи, Гули Тараққий, Насрин Сомоний сингари янги номлар майдонга чиқди. Форс адабиётидаги бу ҳодисанинг юзага келишида инқилобдан олдинроқ аёлнинг жамиятдаги ҳуқуқлари конун жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши сабаб бўлди.<sup>39</sup>

XX асрнинг сўнгги чорагида форс романчилигида Аҳмад Маҳмуд, Маҳмуд Давлатободий, Исмоил Фасих, Симин Донешвар каби ёзувчиларнинг ижодий мактаблари шаклланди. Айнан уларнинг ижодий услубдаги изланишлари форс миллий романи жанр табиатининг қарор топишида, унинг жаҳон адабиёти сахнасида ўз ўрнини эгаллашида катта рол ўйнади.

Форс адабиётида бу даврнинг муҳим ҳодисаси ҳисобланмиш ҳарбий роман жанрида яратилган асарлар ичида Аҳмад Маҳмуднинг «Қўшнилари» романининг давоми сифатида яратилган «Бир шаҳар ҳикояси» («داستان یک شهر») ва «Қуйдирилган замин» («زمین سوخته») асарларидан иборат роман-трилогияси алоҳида ўрин тутди. Роман 10 йил давом этган Эрон-Ироқ уруши мавзусида бўлиб, асарнинг бадиияти, ёзувчининг маҳорати масаласи шу вақтга қадар

<sup>39</sup> Панахи М. Права женщины в Иранской семье. // Роль и положение женщин в Исламской Республике Иран: Материалы международной конференции. – Москва: ИВ РАН, 2006. –С. 146-147.

етарли даражада таҳлил қилинмаган.<sup>40</sup> Аҳмад Маҳмуд «Бир шаҳар ҳикояси»да илк бор тарихий воқеликни реал шароит билан боғлиқликда, даврий изчилликда эмас, балки қаҳрамоннинг хотираларида ретроспектив усулда жонлантирди. Асар воқеалари қаҳрамон онгида, шуурида «атиғи бир неча соат», яъни Алининг мурдасининг ғассолхонада ювилишидан (1-фасл) қабрга қўйилишигача (10-фасл) бўлган вақт оралиғида кечади. Бу эпизод романдаги барча воқеаларни қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтаган, деб айтиш мумкин. Романдаги портрет ва пейзаж, Ой, Денгиз, Қуёш рамзлари асарга тарихий давр калоритини бериш билан бир қаторда қаҳрамонлар руҳиятини очишда жуда катта аҳамиятга эkanлиги диссертацион ишда тўла очиб берилди. Мисол тариқасида романдан бир лавҳа келтирсак:

به دیوار سنگی مردمشویخانه تکیه داده ام. از چارستون بدنم عرق می ریزد. تمام تنم عرقسوز شده است. پیش رویم قبرستان است با سنگ قبرهای پوشیده و چارتاقی های جا به جا نشسته. قبرستان که تمام شود، ماسه های زرد کنار دریاست وبعد، پهنهای، سربی رنگ دریا.  
جابه جا می شوم و سر برمی گردانم و به نخلستان "عدنای" نگاه می کنم. از بالای چتر سبز به گرد نشسته درختان خرما، بادگیرهای بلند شهر پیدااست. آسمان سفیدی می زند. خورشید آنچنان پر زور است که انگار در جهنم را باز کرده اند...<sup>41</sup>

*Ғассолхонанинг тош деворига суяндим... Баданимнинг ҳамма еридан тер оқарди. Бутун баданим терга ботган эди. Қаршимда нураган қабр тошларга ва чўкиб қолган тўртбурчак шаклдаги мақбаралардан ташкил топган мазор турарди. Мазор тугагач, соҳилнинг сариқ қумлари бошланади, сўнг қўرғошин рангдаги денгиз келади. Яна йўлимни давом эттираман, бошимни орқага буриб, «Адноний» хурмазорларига қарайман. Яшил соябонни бироз кўтарсам, чанг босган хурмо дарахтлари ортидан ҳавони совутиши учун уйнинг тепасига қурилган уйчалар кўринади. Қуёш шу даражада қиздираяптики, худди жаҳаннам эшиклари очиб қўйилгандек. ...*

Маҳмуд Давлатободийнинг «Келидар» романини Ислом инқилобдан кейинги йилларда ўзига хос адабий воқеа сифатида таъкидлаш мумкин. Романда Эрондаги камсонли курд ва балужлар ҳаёти, уларнинг муаммолари илк бор бадиий адабиёт доирасида кўтариб чиқилди. Бундай жиддий ижтимоий-сиёсий мавзунинг кўтарилиши Эрон жамиятида инсонга шахс сифатида қараш, инсон ва жамият ўртасидаги зиддиятлар, инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши каби муаммоларнинг кун тартибига чиқишида, шу билан бир қаторда роман сюжетнинг ҳаққонийлигини таъминлашда катта аҳамият касб этган. Сиёсий муаммоларнинг бадиий адабиётдаги акси ўз навбатида ёзувчининг сиёсий позициясига ҳам ишора қилган. М.Давлатободий «Келидар» романи орқали XX аср ўрталарида Эрон ижтимоий-сиёсий муҳитида миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолиш учун курашаётган курд халқининг ҳақиқий турмуш тарзини, кураш ва тўқнашувларни қарама-қарши кутблар орасидан изламайди. Адиб асосий эътиборини курдлар характерининг ички дунёсига хос мураккабликларни ҳаққоний кўрсатишга қаратади.

<sup>40</sup> Дорри Дж. Персидская литература XX века. – Москва: Муравей, 2005. –С.135.

محمود ، احمد ، داستان يك شهر ، تهران : معين ۱۳۸۱ ص ۱۱-۱۲.<sup>41</sup>

XX асрнинг сўнгги чорагида форс романчилигида модернизм йўналишидаги асарлар пайдо бўлди. Бунинг сабаблари, биринчидан, Шарқ ва Ғарбда яратилган кўплаб модернистик романларнинг форс тилига таржима қилинганлиги, иккинчидан, ахборот коммуникацион технологияларнинг шиддатли ривожига жаҳон адабиётидан кўпроқ баҳраманд бўлиш имкониятининг ошганлиги, учинчидан, бу даврга келиб 80 йиллик тажрибага эга форс романчилиги ўз анъанаси, миллий қиёфаси, энг асосийси, реализм йўналишидаги ижодий мактабга эга бўлганлиги, тўртинчидан, XX асрнинг сўнгги чорагига келиб Эронда юзага келган мафкуравий вазият, маиший турмуш тарзи, кишиларнинг дунёқараши, уларнинг бадиий-эстетик тафаккури, жаҳон адабий жараёнларига муносабатини ўзгаришига, ёзувчиларнинг бадиий тасвир йўсинининг янгиланишига олиб келганлиги билан асосланади. 80-йилларгача модерн йўналишда ёзилган асарлар кам сонли бўлганлиги боис Эронда модерн романчилик анъана даражасида шаклланган, дея олмаймиз. Инқилобдан кейин эса бу ҳолат тамоман ўзгарди ва етакчи ёзувчилар ижодида модернистик йўналиш сезиларли даражада ортди.

Форс модернистик романларнинг ўзига хос бир жиҳати уларда бош қаҳрамон сифатида кўпроқ аёл танланиши ва аёлнинг ички дунёси, унинг онгида кечаётган мушоҳадалар билан бир қаторда аёлнинг сиёсий тузумга қарши исёни кенг тасвирланди. Бу эса XX асрнинг 60-70-йиллари романчилигига хос бўлган аёлнинг эрксизлиги мавзусидан фарқли тарзда модернистик романда бевосита аёлнинг қисмати, унинг тафаккурида ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг шарҳига, баҳосига кенг ўрин ажратилди. Бу йўналишда самарали ижод қилган ёзувчилардан бири Шахрнуш Порсипурдир. Унинг «Эркактарсиз аёллар» («زنان بدون مردان») романи ўз даври учун форс романчилигида инқилобий ҳодиса бўлганини айтиш мумкин. Асарнинг қаҳрамонлари беш аёл. Роман фасллари уларнинг исмлари: Маҳдухт, Фойизе, Зарринқўлох, Мунис, Фарруҳлиқо билан номланган. Бу аёлларнинг ўз тақдир йўллари бор. Бу йўллар Фарруҳлиқо барпо қилган БОҒда туташиди. Номуси барвақт топталган (Фойизе), яқинлари ёки ишонган кишилари томонидан алданган (Маҳдухт), тақдир тақозоси билан фоҳишалик қилишга мажбур бўлган (Зарринқўлох), бир умр ҳаёт гўзалликларидан мосуво этилган (Мунис) аёлларнинг бариси ўз ҳаётларидаги эрксизлик, тенгсизликка норозилигини ифодалаш учун уйларида бош олиб чиқиб кетадилар. Романда Порсипур ўзи орзу қилган соф муҳаббат, беғубор, илиқ муносабатлар рамзи сифатида Боғ ва «боғ аҳли» образларини яратди. Боғда реаллик мистика билан ўрин алмашади. Масалан, Маҳдухт Боғда ўзини «дарахт» деб эълон қилади ва ҳеч қандай яқин муносабатларсиз ўзининг «соф мева»ларини дунёга келтиришини, бунинг учун эса оёқларини ерга «қадаши» кераклигини айтади (127-саҳифа). Ва ўз гулларини дунёга келтиради. Маҳдухт дарахтга «айланади». Бу дарахт Порсипур наздида аёллик, ҳайвоний хирсларсиз муҳаббат рамзи сифатида гавдаланади.

Бу давр модерн романларида ахетиплардан кенг фойдаланганликни ҳам кузатиш мумкин. Аббос Маърифий «Ўликлар симфонияси» романида Қуръони Каримдаги Ҳобил ва Қобил ҳақидаги қисса мазмунини ижодий ўзлаштирди.

Асар сюжетидаги асосий конфликт ака-ука Урхон ва Ойдин муносабатларида акс этган. Ушбу архетип-мотив асар ғоясини белгилашда катта аҳамиятга эга. Жаҳолат, ҳасад ва у келтириб чиқарадиган салбий оқибатларни кўрсатиш асарнинг асосий ғоясини ташкил этади. Урхонда кўнгли хаста, ёмонликка мойил, таъма ва гуноҳга интилувчи Қобилнинг хислатларини кўриш мумкин. Қобилнинг укаси Ҳобилга нисбатан адовати ва ҳасади оқибатида уни ўлдириши «Ўликлар симфонияси»да Урхоннинг акаси Ойдинга бўлган муносабатларда бадиий қайта ишланди. Ушбу архетип-мотив асар ғоясини аниқлаш, композицион яхлитликни таъминлаш, асар пафосини белгилаш, конфликт ва драматизмни кучайтириш, ёзувчи ижодий йўналишини белгилашда катта рол ўйнаганлигини таъкидлаш жоиз.

Диссертацион ишда XX асрнинг сўнги чораги форс романчилиги тараққиётига хос бўлган етакчи белгилар: «жанг адабиёти»нинг ривожланиши, ёзувчи методига реализм ва модернизмнинг кириб келиши, ёзувчилар ижод мактаби шаклланиши, романда воқеликнинг талқинида асотирлар мазмунидан фойдаланиш, Куръон, Таврот, Инжил, тасаввуф мотивларига мурожаат этиш кучайгани ва бунинг сабаблари қатор романлар таҳлили асносида далилланди.

Диссертациянинг «**XXI аср биринчи ўн йиллиги форс романининг жанр модификацияси**» деб номланган тўртинчи бобида замонавий форс романларда тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин синтези, шаклий ва услубий изланишлар, постмодерн роман тажрибалари, бугунги форс романларининг фалсафий-эстетик асослари тадқиқ этилди.

XXI асрга келиб форс романи янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Форс романининг географик ва лисоний кўлами кенгайди.<sup>42</sup> Эрон тарихидаги воқеаларга янгича ёндашув, воқеликнинг янгича бадиий талқини шаклланди. Маржона Сотропий, Паринуш Сание, Ризо Амирхоний, Муҳаммад Козим Мазиноний, Муҳаммад Ризо Байрамий, Анита Амиррезвоний, Сайид Меҳди Шўжойий каби бир қатор романнавислар ижодида роман жанрининг янгидан-янги қирраларини намоён этувчи ижодий изланишлар кўзга ташлана бошлади. Воқеликни ўзлаштириш жараёнида янги шаклий изланишлар «янгилик, ўзлаштириш ва мужассамлантириш»<sup>43</sup> дан иборат функцияларни бажара бошлаганлиги кузатилди. Ва бу, ўз навбатида, тарихий-автобиографик, тарихий-биографик, тарихий-сиёсий ва ижтимоий романларда реализмнинг янги имкониятларини юзага чиқарди. Шаклан хат-роман («Навбатдаги тўфон яқинлашмоқда»), график-роман («Персеполис»), хотира-роман («Шинсиз шоҳ») каби турлар ривожланди.

Тарихий воқеаларнинг аёл қисматига таъсири, аёлининг оиладаги ўрни, никоҳга муносабати каби масалалар М.Сотропийнинг «Персеполис», П.Саниенинг «Менинг қисматим», С. Шўжойийнинг «Навбатдаги тўфон яқинлашмоқда» романларининг бош мавзусини ташкил этади. Бу асарларда аёл тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси сифатида мавжуд тузумга қарши чиқа оладиган, воқеликка нисбатан шахсий фикри, қарашларига эга ва

<sup>42</sup> Сотиболдиева С. «Муҳожирликдаги эронлик ёзувчиларнинг ижодий фаолиятига доир»// Илмий хабарнома. – Андижон, 2013. – № 3. – Б.63-66.

<sup>43</sup> Бютор М. Роман как исследование. – Москва, 2000. – С.33

Ўз тақдир йўлини белгилашга қодир шахс сифатида талқин этилди. Романларнинг мавзусида умумийлик бўлса-да, ҳар бир ижодкор масалага ёндашувда индивидуал жиҳатларни намоён этади. Масалан, М.Сотропийнинг "پرسپولیس" («Персеполис») романида Эрон-Ироқ урушдан олдин ва кейин бўлган ўзгаришларни қиёслаш тамойили етакчилик қилади. Автобиографик характердаги бу романда муаллиф шахсининг воқелик билан узвий алоқада шаклланиши, онги ва тафаккурининг тадрижи намоён бўлади. Сотропий услубида воқеликка киноявий муносабатда бўлиш, дидактика ва танқид уйғунлиги тамойили кучли. Воқелик одамлар қабул қилганидек эмас, балки муаллифнинг ўзи кўрганидек, эркин фикрлари орқали талқин этилади. Бу эса романда эсселашган тафаккурнинг белгиларини намоён қилади. С. Шўжойининг талқинидаги «куйи» табақадан бўлган раққоса аёл ("طوفان ديگری" «Навбатдаги тўфон яқинлашмоқда») эса исломий жамиятда яшаб, унинг арконларига амал қилмайдиган «эътиборли» кишилардан фарқли равишда мусулмончилик қоидаларига доим риоя қилади. Қийналган инсонларга холис ёрдам бериш, ғийбат, ҳасад, зино қилмаслик, бировларнинг сирини сақлаш, ҳаромдан ҳазар қилиш каби хислатлар романдаги Зийнатнинг кундалик турмуш тарзи, унинг ахлоқ тамойилига айланган. Моддий қийинчилик университетда ўқиётган Зийнатни кабареда қўшиқчилик қилиш баробарида бетартиб ҳаёт кечиришга мажбур қилган бўлса-да, у барибир тўғри йўлга қайтади. Зийнат ҳар қандай оғир вазиятда ҳам инсонийлик чегарасидан ташқари чиқмайди. Роман композициясида мактублар жуда катта бадиий вазифа бажаради. Адиб мактубларни шакллантириш жараёнида форс шоирлари (Бобо Тохир, Ҳофиз, Соиб Табризий)нинг шеърий сатрлари, мақоллар, хадисларнинг мазмунига ва асотирлар (Рустам, Сулаймон пайғамбар билан боғлиқ)га ишора қилувчи мисралар, Қуръон оятларидан иқтибослар келтиради, турли сўз ўйинларини қўллайди:

از ادن بعد لحظه لحظه ی درس خواندنت می شود عبادت، می شود خدمت به مادر، می شود وسیله تقرب به خدا. و چه بهتر از این که آدم نه فقط نماز، که همه لحظات زندگی اش مشغول عبادت باشد. ممنونم مامانی که انقدر با صفا شده ای! ... دلیلش روشن است، خودت کلاس را به محراب و درس را به عبادت تبدیل کرده ای... خلاصه اینکه، تصمیمت مرا به یاد این بیٹی بابا طاهر انداخت که:

خوشا آنان که الله یارشان بی  
 که حمد و قل هو الله کارشان بی  
 خوشا آنان که دائم در نمازند  
 بهشت جاودات باز ارشان بی<sup>44</sup>

«Илм олишингнинг ҳар бир лаҳзаси Аллоҳга ибодат бўлади, онага хизмат бўлади, худога яқинлаштирувчи васила бўлади. Сен Унга фақат намоз пайтида эмас, ҳаётингнинг исталган онидан сажда қилишинг мумкинлиги нақадар яхшидир. Шунчалик поклигинг учун сендан миннатдорман, азиз болажоним. Сен аудиториянгни меҳробга, дарсларингни ибодатга айлантирдинг... Сенинг қароринг менга Бобо Тохирнинг қуйидаги байтларини эслатади:

<sup>44</sup> [www.forums.pichak.net](http://www.forums.pichak.net) /ص سید مهدی شجای، طوفان ديگری در راه است، ص. ۸۷

«Бахтлидирлар кимгаки Аллоҳ ёрдир  
Кимики Унга ҳамд-у сано<sup>45</sup> ила банддир.  
Бахтлидирлар кимки доим ибодатдадир  
Беҳишти жовидон уларнинг бозоридир»

Янги даврда яратилган тарихий романларда воқеаларнинг янгича талқини, янги рамзийлик акс этгани кузатилади. М.Мазинонийнинг «Шинсиз шоҳ» («شاه بی شین») тарихий-биографик романи Қожорлар сулоласининг охирги ҳукмдори Ризошоҳ Паҳлавийнинг сўнгги кунларини тасвирлайди. Романнинг ғовий-бадий кучи макон ва замон муносабатининг шакллантирилиши билан боғлиқ. Асарда макон жиҳатдан барча воқеалар асосан икки жойда: шоҳ саройи ва Мисрдаги касалхона палатасида кечади. Сарой бир-бирига қарама-қарши икки талқинга эга. Гарчи сарой, шоҳ ва унинг оиласи яшайдиган макон, остона, ватан сифатида тасвирланса-да, иккинчи томондан барча иллатларнинг содир бўлиш жойи маъносида ҳам рамз даражасига кўтарилган. Рамз сифатидаги «сарой» ҳарамдаги аёллар жанги, фисқу-фасодлар, айш-ишрат базмлари, исрофгарчилик, шаҳват ва ҳайвоний ҳирс маконидир. Касалхонадаги палата эса ўзига хос «ёпиқ ҳудуд» рамзи бўлиб, у ер гўё қамокхона ёки жазони ўташ жойи, барча хатоликларни, ўтган умрни сарҳисоб қилиш учун атайлаб яратилган сокин макон. Романда тасвирланган Нил – покланиш, айбларни ювиб кетувчи софлик рамзи, вақтни орқага қайтаришга қодир куч:

نسیمی خنک از پنجره به درون اتاق می‌لغزد و بوی رود نیل را با خود می‌آورد... ای رود نیل، بایست،  
به عقب برگرد! به آن لحظه تاریخی،... به لحظه ای که با فوزیه در  
کنار نیل قدم میزدی؟ نه... به لحظه بار گرفتن دختر مصری؟ نه... کمی جلوتر بیا! آری در همین روز  
بود که فوزیه در کاخ مرمر در برابر آینه نشسته بود و گیسوان بلوطیرنگش را شانه میزد.<sup>46</sup>

«...Деразадан палатага совуқ шамол сизиб кияпти, ўзи билан Нил дарёсининг ҳидин олиб кияпти. Эй, Нил! Бир лаҳза тўхта ва ортга қайтар. Сенинг соҳилингда Фаузия билан юрган онларингни ортга қайтар. Йўқ...мисрлик қиз ҳомиладор бўлгандаги дақиқаларни қайтара қолгин...Йўқ! Сал олдинроқ! Ҳа, Фаузиянинг Мармар саройдаги ойна қаршисида ўтириб қўнғир сочларини тараётган ўша онни ортга қайтар...»

Ризо Амирхонийнинг ижтимоий-тарихий мавзуда ёзилган «Унинг Мени» («من او») романи архетиктоникасида диалог, монолог-мушоҳада сингари нутқ шакллари орқали қаҳрамонлар яшаётган давр фалсафаси акс эттирилди. Амирхоний реализм тасвир йўсинига турли диний характердаги қиссалар, Қуръон ва ҳадисларни, шунингдек, Дарвеш билан боғлиқ сирли воқеаларни киритиш орқали реализм имкониятларининг нақадар кенглигини намойиш этиш билан бирга асар мазмунининг фалсафий кўламдорлигини таъминлашга эришган.

XXI асрнинг бошларида форс адабиётига постмодерн роман ҳам кириб келди. Бу ҳодисага форс романчилиги учун ўзига хос бир «тажриба» сифатида қараш жоиз. Эронда постмодерн йўналишида ёзилган асарлар жуда кам. Ризо

<sup>45</sup> Қуръони Каримдаги Ихлос сураси назарда тутилган.

مزدنانی م. شاه بی شین، تهران، سوره مهر، ۱۳۸۸، ص ۴۶ <sup>46</sup>

Бараҳонийнинг «Озода хонум ва унинг ёзувчиси» («آزاده خانم و نویسنده یش») романида бош қаҳрамон Озода хонимнинг гоҳ «Кўр бойқуш» романидаги аёл, гоҳ Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романидаги Соня қиёфасида намоён бўлиши романда ўзига хос матнлараро ўхшашликни, яъни интертекстуал ўйинни юзага келтиради. Фархунда Ҳожизоданинг «Кўзларингиздан кўрқаман» («از چشمها ی شما می ترسم») романининг бош қаҳармони Моно исмли қизнинг макон ва замон жихатидан ўз ҳаёти мобайнида содир бўлган воқеаларга сайр қилиши ва охир-оқибат эмбрион ҳолатига қайтиб қолиши ҳикоя қилинади. Ровий – Мононинг ўзи. Ризо Қосимийнинг «Тахталар оркестрининг тунги ҳамоҳанглиги» («همنوائی شبانه») романида «хаос деб билинган оламни қабул қилиш, уни ўйин тариқасида ўзлаштириш, «муаллиф ўлими» концепцияси» мавжуд. Воқеалар содир бўлиш вақти мантиқий изчилликка эга эмас. Романда макон ва замон умуман ўз маъносини йўқотган. Романда воқеалар қаҳрамоннинг ички монолоғи орқали ва биринчи шахс тилидан баён қилинади. Асар «роман ҳақида роман» усулида ёзилган.

Мазкур бобда замонавий форс романларининг фалсафий-эстетик асосларини Куръон, халқ оғзаки ижоди, асотирлар, мафкура ва мафкуравий вазият ташкил этади, деган хулосага келинди.

Форс романларининг таҳлили жараёнида Одам Ато ва Момо Ҳавво («Эркакларсиз аёллар»), Ҳобил ва Қобил («Ўликлар симфонияси»), Биби Марям («Сабр тоши», «Эркакларсиз аёллар»), Шайтон билан боғлиқ қиссалар («Якўлиё ва унинг танҳолиғи») ва умуман диний мазмундаги қиссалар («Унинг Мени», «Персеполис») ҳозирги форс замонавий романларининг сюжет қурилишида, бадий техникасида муҳим аҳамият касб этганлиги кузатилди.

Романларда фольклорнинг эртак, қисса, дoston жанрлари ҳамда асотирлардан кенг фойдаланилганлиги аниқланди. Жумладан, Эрон халқининг урф-одати, маросимлари акс этган эртак ва қисса сюжетлари («Сабр тоши», «Келидар», «Унинг Мени», «Нодир Дехли фотиҳи»)нинг роман матнига сингдирилиши, фольклорга ва асотирларга хос поэтик образлар («Савушун», «Малакут», «Келидар», «Эркакларсиз аёллар», «Тубо ва туннинг моҳияти»)нинг янги талқини форс романларининг хусусиятини белгилашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, форс романларида «Авесто» ва, умуман, зардуштийлик таълимоти, Сиёвуш ҳақидаги афсонага эътибор жуда кучли. «Авесто»даги Сиёвуш билан боғлиқ афсона мифологемага, Сиёвуш эса архетип-образга айланди.

Асотирлар романларнинг нафақат мазмунни мустаҳкамлаш, балки шаклий жиҳатдан ҳам ўзига хосликни таъминлаши, ёзувчининг ўзига хос бадий маҳоратини, асарнинг ғоявий-бадий бутунлиги, услубий ранг-баранглиги ва сюжетнинг оригиналлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Эрон романчилигида асотирларни давр ва ёзувчининг ғоявий қарашларидан келиб чиққан ёндашиш ҳам кузатилади. Форс романчилигида сеҳрли реализм белгиларининг ривож топиши асотирларга мурожаатнинг кучайишига сабаб бўлди. Бунга «Кўр бойқуш» «Якўлиё ва унинг танҳолиғи» асарлари йўл очиб

берди. Кейинчалик бу йўналишда ёзилган романларга нисбатан «буфи кур» туркумидаги адабиёт», деб баҳо берилди.<sup>47</sup>

Сиёсий мавзудаги романларда асотирлар шоҳ саройидаги фиску-фасодлар, паҳлавийлар кўшинидаги ҳақиқий аҳволни кўрсатишда, романлардаги матнларнинг тағмаъносига ишора сифатида қўлланила бошланди. Ўз навбатида, асотирларга кенг мурожаат форс романига модернизм ва постмодернизм белгиларининг кириб келишига замин яратди.

## ХУЛОСА

Форс романчилиги XIX асрнинг охирида шакллана бошлаган бўлса-да, бир асрдан ортиқ тараққиёти давомида мураккаб тадрижий йўлни босиб ўтди.

1. Эронда роман жанрининг шаклланиши мамлакатдаги муҳим ижтимоий-тарихий воқеалар ўзанида кечди. Романчилик шаклланишининг дастлабки босқичи XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олди. Бу босқичнинг дастлабки ўн йиллигида яратилган романлар («Иброҳимбекнинг саёҳати ёки унинг қизиқишлари», «Муҳсинларнинг йўллари») шаклан мумтоз анъаналар (саёҳатнома, саргузашт, қолипаш, «ҳикоя ичида ҳикоя») ва мазмунан маърифатпарварлик характеридаги асарларни ўзида синтез қилган роман сифатида намоён бўлди.

2. Маърифатпарварлик романларида бадий тўқима образлар билан бир қаторда илк бор реал шахслар, тарихий воқеалар тасвирланди. Бу давр ёзувчилари услубида реализмнинг дидактик, танқидий ва маърифий кўринишлари ҳамда романтизм ва натурализм адабий йўналишлари хусусиятларининг уйғунлиги юзага келди. Ташқи ҳаракат динамикасига асосланган сюжет типидан унумли фойдаланиш кузатилди. Баён услубида эса хронологик, воқеаларни макон ва замонда вақт жиҳатдан кетма-кетликда ҳикоялаш етакчилик қилди. Романларнинг тили содда, бадий бўёқдор, пейзаж тасвирига кенг ўрин ажратилган. Йўл мотиви ва асосий бош қаҳрамоннинг сони асрадаги сюжет чизиқларини бирлаштириб турувчи восита сифатида намоён бўлди.

3. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб форс романчилигида реалистик тасвир асосий тамойилга айланди. Реализм имкониятлари тарихий ва ижтимоий романларда кенг ривож топди. Асарлар кўпроқ тақлидий характерга эга бўлиб, бадий баркамоллик жиҳатидан жуда юқори баҳоланмаса-да, форс романининг кейинги тараққиёти учун ўзига хос тажриба вазифасини ўтади. Асосан «очик тип»даги (экстентив) роман яратилди. Роман марказида Инсон турса-да, унинг тақдирида жамият тартиблари, социал асослар ҳал қилувчи мавқеда бўлиши кўрсатилди. Бу эса ўз навбатида романчиликда реализм тамойилининг етакчи мавқе эгаллашига сабаб бўлди.

4. Инсон руҳияти тасвири тарихий ва ижтимоий воқеалар тасвири фонидида минимал даражага тушди. Образлар тизимида тарихий шахслар, дин

<sup>47</sup> ۱۳۸۳، ميرعابدینی، ج. صد سال داستان نویسی ایران. جلد ۳ و ۴. تهران ص. ۱۰۱۷.

арбоблари, аёллар ва ишчилар сиймосини яратиш тамойили кучайди. Аёлнинг қисмати, ишчининг ночор аҳволи, унинг ҳуқуқсизлиги, қашшоқлиги, оила ва никоҳ (сифе) масалалари роман сюжет чизиқларини шакллантириш омилига айланди.

5. XX асрнинг 50-70-йиллари форс романи эволюциясида муҳим босқични ташкил этди. Айнан 50-йиллардан ёзувчиларнинг мамлакатдаги муаммоларга кескин танқидий муносабати, жаҳон романчилик тажрибаларини чанқоқлик билан ўзлаштириш тамойиллари кучайгани кузатилди. Таржима адабиётининг ривожига адабий танқидчилик ривожига сабаб бўлди. Ёзувчилар таъқиб ва тазйиқ остида ижод қилган бўлсалар-да, форс романчилигининг ҳажвий-сатирик йўналишдаги «Жаннатнинг ярим йўлида», «Афсона ва афсун», «Жин дара хазинаси сирлари», «Наполеон тоғажон» ҳамда сеҳрли реализм ва сюрреализм йўналишида «Якўлиё ва унинг танҳолиги», «Малакут», «Сабр тоши» каби энг сара асарлари дунёга келди. Бу романларда воқеаларни кескин танқидий руҳда тасвирлаш, образлар тизимидаги ранг-баранглик етакчилик қилди.

6. XX 50-70-йиллари форс романчилиги миф ва асотирларга, архетипларга мурожаатнинг кучайганлиги билан ҳам характерланади. Сеҳрли реализм ва сюрреалистик унсурлар етакчилик қилган романларда Таврот сюжетлари, Шайтон, Яхво сингари образлар, «Шоҳнома» эпоси қаҳрамонлари орқали жамиятда содир бўлаётган воқеликларни фалсафий талқин этишга интилиш кузатилади. Роман композициясида ретроспектив ривоят усулининг кенг қўлланилганлиги, ровийлар сонининг ортганлиги, муаллифнинг асар воқеаларига аралашувининг камайганлиги, «онг оқими», «ички монолог», полифониянинг кучайганлиги, битта воқеликка турли нуқтаи назарларнинг берилиши, воқеаларни фақат «сўзлаб бериш» эмас, балки уларни фалсафий мушоҳада қилиш тамойили шаклланди. Шунингдек, бу даврда реализм янада барқарорлашди.

7. XX асрнинг 80-90-йилларида яратилган романларда, асосан, мамлакатда содир бўлган Ислоом Инқилоби ва Эрон-Ироқ уруши бош мавзуга айланди. «Жанг адабиёти», «Аёллар адабиёти» сингари йўналишлар ва уларни ифодаловчи тушунчалар пайдо бўлди. «Жанг адабиёти» йўналишидаги романларнинг қаҳрамонлари, асосан, ҳарбий аскарлар, уруш иштирокчилари ва урушдан азият чекканлар.

8. Давр ёзувчилари ғоявий қараш, воқеликка муносабат жиҳатдан икки гуруҳга ажралди. Биринчи гуруҳ ёзувчилар ижодида урушни ёқлаш, уни муқаддас билиш, шаҳидликка чорлаш мотиви етакчилик қилиб, уларнинг ижодида схематизмга берилиш, образларни бирёқлама талқин қилиш тамойили ривожланди. Иккинчи гуруҳ ёзувчиларининг ижодида, аксинча, урушни қоралаш, унинг инсонлар тақдирига, руҳиятига таъсири масаласи асосий ўрин тутди, инсонларнинг ички олами, руҳиятини тадқиқ этишга эътибор кучайди ҳамда қадимги миф ва асотирларга, тасаввуфий қарашларга, диний қиссаларга мурожаат этиш орқали замонавий воқеликка муносабат акс этди. Айнан уларнинг ижодида психологик реализм («Бир шаҳар ҳикояси»), реализм («Келидар»), модернизм («Сурайё беҳуш», «Эски шароб»),

«Эркактарсиз аёллар», «Ўликлар симфонияси») йўналишлари кўпроқ шаклланди. Шунингдек, урушга аёллар нигоҳи билан қараш, уларнинг муносабати акс этган асарлар пайдо бўлди.

9. Бу даврда роман-диалогия (Ризо Барахоний), роман-трилогия (Аҳмад Маҳмуд), роман-эпопея (Маҳмуд Давлатободий) сингари роман шакллари яратилди. Ёзувчилар услубида онг оқими, хотира, ички монолог каби воситаларга мурожаат кучайди. Портрет, пейзаж, макон-замон тасвири, диалог ва монологларга катта ғоявий-бадий функция юклатилди.

10. XX асрнинг сўнги ўн йиллиги романчилигида модернизм йўналиши етакчи йўналишлардан бирига айланди. Модернистлар ижодида шахнинг таназзули, руҳиятидаги зиддиятлар, саргардонлик, макон ва замоннинг шартлилиги, эзгулик ва ёвузлик кураши каби бир қатор тамойиллар кузатилди. Форс романининг географик ва лисоний кўлами кенгайди. Бугунги форс романи моҳиятан ўзгармаган бўлса-да, воқеликка ёндашув ўзгарди, тарих, тарихий шахслар янгича талқин этила бошланди, инсон руҳияти қатламларини кашф этишга интилиш кучайди.

11. Янги аср дастлабки ўн йиллиги романчилигида янги номлар пайдо бўлди. Улар ижодида роман жанрининг имкониятларини кенгайтириш (график роман, хат-роман) кузатилди, жамият ва инсон тақдирини бир бутунликда, бир сўз билан ифодалаганда – бадий детерминизмга мувофиқ тасвирлаш йўсини етакчи тамойилга айланди.

12. Роман баён техникаси жиддий ўзгаришга юз тутди. Ровийнинг функциясини ёзувчилар буткул асар қаҳрамонларига юклади, монолог, диалог, онг оқими, хотира каби бадий компонентлар асар сюжетини ва композициясини шакллантиришда ҳамда ёзувчи ижодий ниятини ўқувчига етказишда энг асосий вазифани бажарувчи воситага айланди. Бу давр форс романчилигида постмодерн йўналишидаги романлар пайдо бўлди.

13. Замонавий форс романларининг жанр хусусиятларини белгилашда уларнинг фалсафий-эстетик асослари бўлган асотирлар, мумтоз дostonлар, Қуръон ва бошқа диний мазмундаги асарлар, араб манбалари, халқ оғзаки ижоди, мамлакатдаги мафкуравий вазиятни ўрганиш муҳим аҳамият касб этди.

14. Форс романчилиги бугунги кунга келиб 120 йиллик тарихга эга бўлган мустақил жанрга айланди. Форс романи миллий эпик анъаналардан асло воз кечмаган ҳолда жаҳон романчилик мактаблари тажрибалари ўзлаштира борди ва бу жараён бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**СОТИБОЛДИЕВА САРВИНОЗ РУЗИЕВНА**

**СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРСИДСКИЙ РОМАН  
(ЭВОЛЮЦИЯ ЖАНРА И ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО)**

**10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**город Ташкент – 2018 год**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.DSc/Fil40.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице совета [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный консультант:** **Куранбеков Ахмадул**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Имомназаров Мухаммад Султанович**  
доктор филологических наук, профессор

**Хамроев Жумакул**  
доктор филологических наук, профессор

**Хасанов Кудратилла Самадович**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрированной за № \_\_\_\_). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзкая, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол реестра №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**А. М. Маннонов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

**Р.А. Алимухамедов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук

**Х.А. Дадабаев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора науки (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Начиная со второй половины XIX века, жанр романа, являющийся вершиной художественно – эстетического творчества мировой цивилизации, прочно вошёл в литературу многих народов стран Востока, в том числе и в современную литературу Ирана. Активное восприятие опыта мирового романа, становление новых литературных течений с учетом специфики национальной литературы и переосмысление вековых культурных традиций определяют необходимость исследования особенностей жанра романа в литературе Ирана, этапов его становления, национальной специфики и художественного мастерства известных писателей.

Жанр роман для иранского народа, известного своей классической поэзией, поэтическими традициями, стал своеобразной художественной действительностью. Научное исследование таких вопросов, как национальные и общечеловеческие источники, содержательные и идейные грани, этапы развития персидского романа, личность литераторов, творческий метод писателей, их художественное мастерство, дает возможность определения и оценки особенностей развития художественной литературы. В XXI веке, стремительное развитие сети интернет предоставляет неограниченные возможности для ознакомления с литературной продукцией любого толка, создаваемой в различных регионах мира. В целях предотвращения влияния на сознание молодёжи феномена «массовой культуры» отбор и анализ самых достойных образцов зарубежной литературы, является одним из основных задач, стоящий перед исследователями.

В период широкомасштабных реформ, проводимых в по всей стране, литература и духовность остаются вопросом в ранге государственной политики. На сегодняшний день, в условиях интенсификации и расширения связей с литературами других стран мира особое значение приобретает изучение художественной литературы, являющейся отражением национальной идентичности народа, его морально-этических ценностей, особенностей менталитета и духовности нации. Согласно Государственной Программе «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>1</sup>, стимулирование научно – исследовательской и инновационной деятельности определено в Узбекистане как одно из приоритетных направлений общественного развития, что в свою очередь создает новые предпосылки для расширения научных исследований в области литературоведения. С этой точки зрения, вовлечение к научному анализу пронизанных идеями духовно-просветительского возвышения, терпения, патриотизма, а также являющихся совершенными в отношении художественности современных персидских романов еще раз подтверждает

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

актуальность темы.

Настоящее исследование также содействует реализации задач, изложенных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков», в указе Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского Государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», в распоряжении Президента Республики Узбекистан от 12 января 2017 года «О создании Комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышения и пропаганде культуры чтения», и в других нормативно – правовых актах, касающихся данного направления.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Формирование и внедрение системы инновационных идей на пути духовно – нравственного и культурного развития демократического правового государства и информационно-коммуникационной сферы».

**Обзор международных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Научно – исследовательские работы по теме диссертации осуществлялись в ведущих научных центрах и вузах мира, как INALKO (Париж); Cambridge University, Oxford University, University of London (Великобритания); Houston University, Harvard University, New York university(США); Институт стран Азии и Африки, Московский Государственный институт иностранных языков (Россия); Таджикский государственный университет (Таджикистан); Тбилисский государственный университет (Грузия); دانشگاه علامه طباطبائی (Иран), دانشگاه بینالمللی امام خمینی, ادبیات و علوم انسانی (Иран), Ташкентский государственный институт востоковедения (Узбекистан).

В ходе проведенных исследований в мире по формированию и тенденций развития современного персидского романа были получены ряд результатов, в том числе: обоснованы основные признаки литературного процесса и предпосылки возникновения жанра романа в конце XIX начале XX веков в литературе Ирана (Cambridge); выявлены общественно – политические факторы становления жанра романа, отвечающие идеологическим и литературным потребностям эпохи (переводческая литература, открытие университета, влияние западной литературы, развитие публицистики), (INALKO Париж); раскрыты вопросы языка и художественного метода жанра исторического романа до 40-х годов XX века (Тбилисский государственный университет); даны сведения о процессах трансформации традиционных повествовательных жанров и становления современного персидского романа,

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>; [www.livelib.ru/selection/737936-persidskaya-literatura-xxxxi-vekov/](http://www.livelib.ru/selection/737936-persidskaya-literatura-xxxxi-vekov/); [istoriya-iskusstva.ru/literatura-irana-persii/](http://istoriya-iskusstva.ru/literatura-irana-persii/); [www.ebooks.azlibnet.az/book/HCBOWku7.pdf](http://www.ebooks.azlibnet.az/book/HCBOWku7.pdf); [www.britanica.com.](http://www.britanica.com.); [www.cambridge.org.](http://www.cambridge.org.); [www.amozon.com.](http://www.amozon.com.); [arzasmas.academy/uni/eastwest/pers/](http://arzasmas.academy/uni/eastwest/pers/); [www.twirpx.com](http://www.twirpx.com); [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com) и целого ряда других.

его поэтики, проблема трактовки положительного героя, о творчестве женщин (Таджикский государственный университет); в общем плане освещены отдельные произведения, научно обоснованы принципы формирования и развития реалистического метода в иранской прозе, изучено творчество представителей реализма, а также творчество писателей в эмиграции, определены характерные черты жанров и художественных стилей в иранской прозе XX века, рассмотрены проблемы развития реализма и модернизма (Институт стран Азии и Африки, Московский Государственный институт иностранных языков); обоснованы особенности развития жанра романа в Иране, его отличия от других прозаических жанров, изучены ранние произведения жанра романа, определены характерные особенности женской прозы, раскрыты основные тенденции развития и взаимоотношения персидской литературы с мировым литературным процессом и их влияние на творчество писателей, выделены особенности развития жанра прозы во времена исламской революции и годы ирано – иракской войны, проанализированы процессы формирования направлений модернизма, постмодернизма и сюрреализма в жанре романа, изучены вопросы обращения к культурным и нравственным ценностям исторического наследия (دانشکده ادبیات و علوم انسانی، دانشگاه بینالمللی امام خمینی، دانشگاه علامه طباطبائی); в общем плане охарактеризован влияние событий исламской революции и ирано – иракской войны на творческую биографию писателей (Harvard University, Hanover and London Brandeis University, Oxford University, New York university); изложен тенденции развития современной персидской новеллистики (Ташкентский государственный институт востоковедения).

В настоящее время проводятся исследовательские работы по ряду приоритетных направлений, касающихся вопросов становления жанра романа и его национального своеобразия в литературе Ирана, смены эстетических ориентиров в результате событий исламской революции и ирано – иракской войны; изучаются вопросы преемственности персидского романа в результате расширения контактов с инонациональными литературами; исследуется роль женского творчества в развитии жанра романа; исследуется творчество писателей, оказавшихся в эмиграции в различных уголках мира по различным причинам, и изменение их мироощущения под влиянием новых общественно – политических реалий; изучается трактовка вопросов семьи и брака в условиях современной действительности, отношения к религии, обычаям и традициям в творчестве ведущих романистов, исследуются их творческие методы, художественный стиль.

**Степень изученности проблемы.** Историко – литературное исследование этапов становления жанра романа в персидской литературе всегда находилось в центре внимания как иранских, так и зарубежных литературоведов. Исходя из этого, в зависимости от изучаемого этапа и поставленной исследователем задачи, мы условно поделили многочисленные научные изыскания на несколько направлений:

исследования, посвящённые вопросам возникновения жанра романа и характеристике содержания ранних романов в персидской литературе;  
исследования, посвящённые изучению исторических романов;  
исследования, посвящённые анализу жизненного и творческого пути отдельных писателей – романистов, изучению их творческого метода;  
исследования, посвящённые творческой деятельности иранских писателей в эмиграции.

Учёными, внёсшими значительный вклад в изучение вопроса возникновения жанра романа в литературе Ирана, и исследование особенностей ранних романов, являются английский востоковед Э.Г. Браун<sup>3</sup>, российский учёный – иранист К.Чайкин<sup>4</sup>, иранские литературоведы Парвиз Нотел Хонларий<sup>5</sup>, Жамол Мирсадикий<sup>6</sup>, Гуламхусейн Дехбузургий<sup>7</sup>, французский учёный Кристоф Болое<sup>8</sup>, таджикские востоковеды Файз Наджмонов<sup>9</sup> и Д.Д. Икромий<sup>10</sup>. Объектом исследований данных учёных явились романы, созданные в первой половине XX века. Исследования были направлены на изучение основных признаков литературного процесса в Иране в конце XIX начале XX веков, внесение новых научных сведений информативного характера о романах и авторах данного периода, периодизацию персидской литературы, толкование термина романа в иранской литературе, определение типа исследуемого романа, в зависимости от его содержания и формы, определение численного количества романов, согласно типовой принадлежности.

Вопросам возникновения жанра исторического романа в персидской литературе было уделено значительное внимание в ряде других научных работ. В трудах известного российского учёного Е.Э. Бертельса<sup>11</sup>, польского исследователя Ф. Махальского<sup>12</sup>, Х.Г. Корогли<sup>13</sup>, Г. Кадырова<sup>14</sup> изучены важнейшие проблемы научно – теоретического характера, касающиеся вопроса истоков развития жанра исторического романа в персидской литературе, его глубокой связи с литературными традициями, в частности, с классической новеллой и другими формами традиционного повествования,

<sup>3</sup> Brovn E.G. The press and poetry Modern Persia. Cambridge, 1914; A literary History of Persia, Cambridge, 1951-1953

<sup>4</sup> К.Чайкин. Краткий очерк новейшей персидской литературы. М., 1928

<sup>5</sup> خانلری پرویز، نثر فارسی در دوره اخیر، نخستین کنگره نویسندگان ایران، ۱۳۲۶

<sup>6</sup> میرصادقی ج، ادبیات داستانی: قصه، رمانس، داستان کوتاه رمان، تهران، ۱۳۷۲

<sup>7</sup> ده بزرگی غ. رمانویسی در ایران (از ابتدا تا پیروزی انقلاب اسلامی) / فصلنامه رازی زکریا، شماره بیست و ششم-بهار و تابستان ۱۳۸۳

